

- Сифатсиз махсулотларни «Ташкилот» томонидан уз маблаглари эвазига, яроклисини ажратишга уни тозалашга ва махсулотни ярокли холга келтириш учун бошка харажатларни тулаш;

3.6 Агар «Таъминотчи» мазкур шартномада белгиланган микдордаги махсулотни етказиб бермаса ёки «Ташкилот» нинг сифатсиз махсулотларини алмаштириб бериш хакидаги талабларини бажармаса белгиланган тартибда кушимча келишувга асосан бекор қилиниши мумкин.

4 МАХСУЛОТЛАР БАХОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

4.1 Шартноманинг умумий қиймати 4 500 000 (Турт миллион беш юз минг сўм 00 тийин)ни ташкил этади.

4.2 Олинган махсулотлар учун туловлар «Ташкилот» томонидан пул утказиш йули билан амалга оширилади.

4.3 Хисоб китоб «Ташкилот» томонидан пул утказиш йули билан амалга оширилади.

4.4 Шартнома кучга кириб, тегишли газначилик тизимидан руйхатдан утгандан сунг беш банк иш кунда «Ташкилот» етказиб бериладиган махсулотларнинг умумий суммасининг 30% изи олдиндан аванс тарикасида «Таъминотчи» нинг хисоб рақамига утказиб беради.

4.5 Колган охириги 70% изи «Таъминотчи» томонидан етказиб берилган махсулотлар хисоб-варақ фактуралари асосида 90 кун ич ида утказиб беради.

4.6 «Ташкилот» томонидан 30% изи олдиндан тулов амалга оширилгандан сунг «Таъминотчи» 3 банк иш куни давомида мазкур шартномада курсатилган микдорда ва нархларда махсулотларни «Ташкилот» га етказиб беради.

4.7 Нархлардаги хар қандай узгаришлар шу жумладан бозор нархларининг узгариши хом ашё ва материаллар нархларидаги узгаришлар, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш хақи микдорининг узгариши ёки бошқалар сабабли махсулотлар баҳосининг узгариши тарафларнинг келишуви асосида амалга оширилади ва ушбулар тугрисида шартномага кушимча келишув киритилади.

5 МАХСУЛОТ СИФАТИ

5.1 «Таъминотчи» етказиб бериладиган махсулотнинг талаб ва стандартларга мос келишини қафолатлайди.

6 МАХСУЛОТЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА КАБУЛ ҚИЛИШ

6.1 Махсулотни қабул қилишда «Ташкилот» уни микдори, сифати, асортименти ва руйхатини «Таъминотчи» томонидан берилган махсулот етказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат (хисоб-фактура), ушбу шартнома ҳамда буюртмадаги келтирилган маълумотларга мослиги юзасидан текшириб олади.

6.2 Махсулотни қабул қилиш якуни буйича «Ташкилот» қабул қилиш далолатномасини тузади. Ташкилот томонидан далолатноманинг имзоланиши қабул қилинаётган махсулотнинг текширилганлигини билдиради.

7 ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

7.1 «Таъминотчи» махсулот етказиб беришда шартноманинг 2.1- булимида белгиланган шартларни бузганда, яъни махсулот етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборса, тулик етказиб бермаса кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз микдорида пеня тулайди. Лекин туланадиган пеня суммаси етказиб берилмаган махсулотлар умумий суммасининг 50 фоизидан ортмаслиги керак.

«Таъминотчи» томонидан жунатилган махсулотларга оид тулов ва махсулот етказиб берилганлиги тугрисидаги бошка ҳужжатлар уз вақтида, яъни махсулот билан бирга «Ташкилот» га тақдим этилмаса хар бир ҳолат учун етказиб берилмаётган махсулот қийматининг 1 фоизи микдорида жарима тулайди.

7.2 «Таъминотчи» томонидан махсулотлар уз вақтида белгиланган талаблар асосида етказиб берилганда «Ташкилот» уларни асоссиз равишда қабул қилмаса, қабул қилинмаган махсулотнинг 5 фоизи микдорида, тез бузиладиган махсулотлар буйича 10 фоиз микдорида жарима тулайди.